

6

**“Ўзбек геология қидирув” АЖ Самарқанд МГҚЭ бошқарув биносида “Коррупцияга қарши курашиш механизмлари ва унинг ҳуқуқий асослари” мавзусидаги тарғибот тадбири**

**БАЁННОМАСИ**

30.04.2024 й

Самарқанд ш.

**Тадбир иштирокчи:**

Жамиятнинг коррупцияга қарши

Ички назорат бўлими бош мутахассиси

Қ.Н.Мажидов

**Қатнашувчилар:**

62 нафар ишчи-ходим

“Ўзбек геология қидирув” АЖда 2024 йил давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ 2024 йил 22-30 апрель кунлари Самарқанд МГҚЭДА ташкил этилган хизмат сафари режаси доирасида 24 нафар ишчи-ходим иштирокида **Марказ бошқарув биносида “Коррупцияга қарши курашиш механизмлари ва унинг ҳуқуқий асослари”** мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди.

Тадбирда Жамият алоқа каналлари ва бошқа тармоқлардан келиб тушаётган мурожаат ва хабарлар тўғрисида маълумот берилиб, бу ҳолатларни такроран содир этилишига ва йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларни олдини олиш бўйича тушунтириш ҳамда йўналишлар тушунтирилди.

Бундан ташқари коррупциявий ҳолатлар юзасидан тарих ва бугунги кунларда ривожланган давлатларнинг ҳаракатлари, жазо турларига тўхталиб ўтилиб Ўзбекистон Республикасида бу иллатга қарши қонуний чоралар ва жазо турлари етказилиб мисоллар орқали коррупцияга қарши муросасизлик шакллантирилди.

Ҳозирги кундаги коррупцияга қарши олиб борилаётган сиёсатнинг мевасини келажак авлод татиши ва фаровон, коррупциядан ҳоли юртда яшаши тутинтирилиб ҳар бир ходим, фуқаро бу йўлда ўз хизмати, фидойилигини кўрсатиши лозимлиги уқтирилди.



Ходимларга коррупцияга қарши олиб борилаётган давлат сиёсати доирасидаги ишларни оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда кузатиб боришлари бўйича тегишли кўрсатувлар ва ижтимоий тармоқлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Ҳар бир фуқаронинг Коррупция деган иллатни камайтириш қолаверса бутунлай йўқ қилишда ўз кучини, билимини ишга солмоғи ва бу иллатга дуч келгандаги ҳаракатланишини аниқ билиши кераклиг тушунтирилди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланди. Улар:

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.



Тадбирда йиллар кесимида Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши олиб бораётган ҳаракат ва натижалари бўйича 185 та давлатлар ўртасидаги ўрнининг юқорилаб бораётгани, банинг асосий омили жамият онгини бу иллатга нисбатан ошириш ва муросасизлик муносабатини шакллантириш бўлиб, натижада коррупциявий ҳолатларга ҳаракат эвазига уларни олдини олишга ва бартараф этишга эришилмоқдалиги етказилди.

**Коррупцияга қарши ички назорат  
бўлим бош мутахассиси**

**Қ.Н.Мажидов**